



ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 14 декабрь куни хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Жорий йил 11 майда давлатимиз раҳбарининг “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Унда мазкур соҳани муҳим драйверга айлантириш ва 2023 йилга қадар хизматлар ҳажмини икки бараварга ошириш белгиланди.

30 сентябрда яна бир муҳим ҳужжат — “Хизматлар соҳасини қўлаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент фармони қабул қилиниб, пандемия даврида умумий овқатланиш, савдо, туризм, транспорт соҳалари учун берилган имтиёзлар муддати узайтирилди. Тадбиркорлар билан учрашувларда айтилган муаммолар ҳал этилди.

Жорий йилда жами 18 триллион сўмлик 29 мингта лойиҳа амалга оширилиб, хизматлар соҳаси 20 фоизга ўсган. Лекин 5 та туман ва шаҳарда ўсиш суръати кам бўлган. Умуман, жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Шу боис, йиғилишда хизматлар соҳасини кенг ривожлантириш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу борада ҳар бир ҳудудга алоҳида ёндашув зарурлигини таъкидлаб, аниқ мисоллар келтирди. Туман ва шаҳарларнинг аҳоли сони, географик жойлашуви, иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, 3 та йўналиш белгиланди.

Биринчи йўналиш — хизматлар соҳасини 158 та туманда ривожлантириш.

Хусусан, сайёҳлик масканлари бор 45 та ҳамда тоғли ҳудуддаги 40 та туманда туризм хизматлари қўлайтирилади.

Масалан, Шаҳрисабз туманининг Наврўз, Мираки, Оқдарё ва Ҳисор қишлоқларига йилга 500 мингга яқин саёҳатчилар келади. Агар шу ҳудуддаги 65 километр йўл таъмирланиб, интернет ва мобиль алоқа яхшиланса, хизматлар ҳажми 3-4 баробар ошиши мумкин. Натижада меҳмон уйлари, савдо ва овқатланиш шохобчалари очилиб, қўшимча иш ўринлари пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари бундай туманларни керакли инфратузилма билан таъминлаб, ерларни тайёр лойиҳа

билан аукционга чиқариш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, туризм соҳаси учун маҳсус солиқ режими жорий этиш, меҳмон уйлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қайд этилганидек, саноати ривожланган 27 та туманда савдо, умумий овқатланиш, логистика, меҳмонхона ва кўнгилочар масканлар хизматларига устуворлик берилди.

Қишлоқ ҳужалигида даромад юқори бўлган туманларда умумий хизматлар билан бирга, замонавий агрохизматлар ривожлантирилади.

Масалан, Қашаи туманида Агрохизматлар маркази, хусусий ветеринария корхоналари ташкил этилади. Туман марказида 200 тонналик совуткичга эга “Экобозор” қурилади ва мингта иш ўрни яратилади.

Туман ҳокимларига Қашаи мисолида шундай дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, келгуси йил 21 та туманда 10 минг оила учун “Янги Ўзбекистон” массивлари, мактаб, боғча ва тиббиёт масканлари қурилади. Бу ҳам сервис ва савдони ривожлантириш учун жуда катта имконият экани таъкидланди.

Чегара олдида жойлашган 25 та ҳамда халқаро автомагистрал ва темир йўл утган 100 та туман савдо ва логистика хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилади. Шу боис, мутасаддиларга йўл бўйи хизматларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, қўшни давлатлар билан чегара пунктлари ва уларга борадиган йўлларда сервис инфратузилмасини тубдан яхшилаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Умуман, мазкур 158 та туманда хизмат кўрсатиш соҳасида 300 минг иш ўрни яратиш мумкинлиги таъкидланди.

Иккинчи йўналишда 29 та ўрта ва йirik шаҳар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп 6 та туманда замонавий бозор хизматлари ривожлантирилади.

Бу борада кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватидан самарали фойдаланиш, енгил конструкцияли объектлар учун ер участкаларини аукционга чиқариш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

ПОЙТАХТНИНГ ЯНГИ МЕТРО МАНЗИЛЛАРИ

Ер усти Қўйлиқ — Қипчоқ йўналишида қурилиш ишларининг 60 фоизи бажарилди



Дунёда катта шаҳарлар, йirik мегаполисга айланган пойтахтларда транспорт тирбандлигини бартараф этишда асосий ечим сифатида жамоат транспортини ривожлантириш, аҳоли ва йўловчилар учун ҳар томонлама қўлай, хавфсиз ва тезкор транспорт турларини йўлга қўйишга катта эътибор берилмоқда.

Пойтахтимизда аҳоли ҳам, транспорт воситалари ҳам кўпайиб бормоқда. Шунга мос равишда транспорт инфратузилмаси ҳам ривожлантирилмоқда. Янги йўллар, кўприклар, ер усти метроси қурилмоқда. Хусусан, ўтган йили Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишида 2 та станция ҳамда ер усти

ҳалқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилди. Жамоат транспортида 56 та йўналиш мақбуллаштирилди. Бунинг натижасида 170 минг аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш яхшиланди, уларнинг транспортга кетадиган вақти ўртача 15-20 минутга қисқарди.

▶ Давоми 6-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон КОМИЛОВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ бўйича амалга оширилган ишлар

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида бундан беш йил олдин халқимиз билан бамавсаҳат 2017-2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ўтган даврда ушбу

стратегия асосида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Козимжон Фозилович, гап шу ҳақда борар экан, Сиз билан суҳбатимиз аввалида Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш борасида амалга оширилган ишлар таҳлилига тўхталишни жоиз топдик.

Айтинг-чи, бу йўналишдаги ислохотлар, энг аввало, қайси жиҳатларда кўзга ташланади?

— Ўтган беш йиллик ҳақида гап очдингиз. Миллий тараққиётимизнинг бу йиллари қизгин ислохотлар даврида яшадиқ. Президентимиз раҳбарлигида тарихий ўзгаришларга асос солинди. Янги Ўзбекистонни қуриш, халқимизнинг кўп йиллик озуларини рўёбга чиқариш, инсон ҳуқуқларини энг олий кадрият даражасига кўтариш, мавжуд муаммоларга ечим топиш йўлида улўф мақсадларимизга эриша бошладиқ.

▶ Давоми 4-5-бетларда

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ДАХЛДОР ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ



Марказий Осиё халқаро институтда “2021 йилнинг августидадан кейинги даврда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммолари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

▶ Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

“Ери бойнинг — эли бой” ҳикмати бежиз айтилмаган. Бунинг замирида катта маъно бор. Ерга меҳр кўрсатсанг, юракдан ишлов берсанг, у сени ҳам тўйдиради, ҳам кийинтиради. Зеро, ернинг ҳар қарчиси олтинга тенгдир.

РАҒБАТ ИНСОННИ ЯНГИ МАРРАЛАР, ТАШАББУСЛАР САРИ ЧОРЛАЙДИ

Қаерда эркин ишлаб, меҳнати натижасидан баҳраманд бўлиш учун қўлай муҳит яратилса, ўша жойда тараққиёт, фаровонлик бўлади. Бугунги кунда юртимиз деҳқону фермерлари шундай шарт-шароитларга эга. Асосийси, улар молиявий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланиб, камтарона хизматлари муносиб баҳоланмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ЕВРОПА ВА ОСИЁ БИЗНЕС ОМБУДСМАНЛАРИ ФОРУМИ:

Тошкент декларацияси ҳамкорликни янги босқичга кўтаради

Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган жиддий синовлар мамлакатлар ўртасида ишонч ва яқин ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича биргаликда чоралар кўриш заруратини кўрсатиб берди.

Иқтисодийёт соҳаларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида глобал ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Европа ва Осиёнинг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллари — бизнес омбудсманларнинг “Худудларо ҳамкорлик ва бизнес яхлитлик-

ни мустаҳкамлаш” мавзусидаги илк халқаро форуми ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Грузия, Украинанинг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллари (бизнес омбудсманлари), Корея Республикасининг инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

бўйича омбудсмани ҳамда Польшанинг кичик ва ўрта корхоналар бўйича омбудсмани иштирок этди. Катнашчиларнинг “Шарқий Европа ва Марказий Осиёда бизнес яхлитлигини таъминлаш, тенденциялар ва ижобий амалиётлар”, “Хусусий секторда коррупция хавфини камайтиришда бизнес омбудсман институтларининг аҳамияти”, “Кичик ва ўрта корхоналар: яқка тартибдаги тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш” каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

▶ Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ЕВРОПА ВА ОСИЁ БИЗНЕС
ОМБУДСМАНЛАРИ ФОРУМИ:Тошкент декларацияси ҳамкорликни янги
босқичга кўтаради

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистонда бизнес омбудсман институти 2017 йилда ташкил этилган эди. Ушбу ташкилот давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига аралашуви олдини олиш, шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ихтисослашган орган сифатида мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва инвестиция жозибадорлигини оширишга ҳисса қўшмоқда.

2021 йил давомида унга 10 мингта яқин мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 6 мингта яқини ижобий ҳал этилган, 3 мингта

яқин мурожаатчига тушунтириш берилган. Қолганлари эса тегишли тартибда ваколатли органларга кўриб чиқиш учун юборилган. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, текширувларда уларнинг ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш мақсадида назорат қилувчи органлар ва улар томонидан амалга оширилган текширувларнинг қонунийлиги кўриб чиқилиб, мониторинг қилинди. Натижада қонунбузилиш ҳолатини содир этган мансабдор шахсларга нисбатан икки мингта яқин маъмурий жавобгарлик чораси кўрилган.

Форум якунида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш ва ҳурмат қилиш, хусусий секторда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларга доир чора-тадбирларни ўзида акс эттирувчи Тошкент декларацияси имзоланди. Декларацияни имзолаш орқали форум иштирокчилари миллий ва халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш бўйича ўзаро ҳуқуқий маслаҳатлар беришга тайёр эканликларини тасдиқладилар.

Дилмурод ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва
қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича
вакил — Бизнес-омбудсман:

— Ушбу форум доирасидаги ҳамкорлик давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, тадбиркорларни максимал даражада қўллаб-қувватлаш ва бизнес юритиш учун ўта содда шароитларни яратишга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни амалга ошириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлаш билан жадал ривожланиб бораётган иқтисодий алоқаларини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур чора-тадбирлар форумда иштирок этаётган давлатлар ҳудудда ўзбек тадбиркорларини ва Ўзбекистонда хорижий тадбиркорларни ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.


Илгари Ўзбекистон Россия, Қозоғистон ва Грузия бизнес омбудсманлари билан меморандумлар имзолаган эди. Тошкент декларацияси имзоланиши турли мамлакатлар бизнес омбудсманлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга имкон яратади. Зеро, мазкур ҳужжат тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш, фирм, ахборот ва амалий тажриба алмашиш мақсадида доимий равишда учрашувлар ўтказишни назарда tutади. Унда белгиланган чора-тадбирлар ижроси иштирокчи давлатлар иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда ижобий самара беради.



Ербол УСТЕМИРОВ,
Қозоғистон тадбиркорлари ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш бўйича вакил девони раҳбари:

— Ўзбекистон ҳудудда қўллаб-қувватлаш тадбиркорларимиз фаолият юритади. Уларнинг ўз юртидагидек ишлаши, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши бўйича ҳукуматингиз билан самимий муносабатлар йўлга қўйилган. Қоқоқ тадбиркорлари ва мансабдор шахслар ўртасида юзага келган бир неча муаммолар Ўзбекистон бизнес омбудсман институти томонидан тезкорлик билан ҳал этилганини таъкидлаш ўринли. Бугунги

халқаро форум ва унда имзоланган Тошкент декларацияси ушбу ҳамкорликни янада мустаҳкамлашига ишонамиз. Сабаби, биз ушбу тадбир орқали Ўзбекистон бизнес омбудсманни фаолияти билан яқиндан танишдик, ўзаро фирм, ахборот ва амалий тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида қўшма учрашувларни мунтазам ўтказишга келишиб олдик.



Елена УЛЬЯНОВА,
Россия Федерацияси Томск
вилояти тадбиркорлик субъектлари
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича
бизнес омбудсман:

— Айни пайтда давлат назорати тизимини ислох қилиш ва маъмурий тўсиқларни қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашишга қаратилган илмий тадқиқот ва лойиҳалар натижалари бўйича тажриба алмашиш муҳимлиги ўз тасдиғини топтоқда. Илк бор йирик миқёсда ташкил этилган ушбу форумда биз ана шу имкониятга эга бўлдик.

Нафақат тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки уларнинг қизиқишларини ўрганиш, тадбиркорликка оид қонунларга ўзгартиришлар киритиш, солиқ бўйича юктамаларни камайтириш каби масалаларни ҳам кўриб чиқдик. Мазкур тадбир орқали мамлакатларимизнинг айнан тадбиркорлик борасидаги ҳамкорлиги янада мустаҳкамланади, иштирокчи давлатлар манфаати учун янги истиқбол йўллари очилади.



Робин ОРД-СМИТ,
Қирғиз Республикаси бизнес омбудсмани:

— Пандемия сабаб биз, шу соҳа вакиллари ўзаро учраша олмаган эдик. Ушбу форум бизни яна бирлаштирди, десак хато бўлмайди. Бу тадбир нафақат Ўзбекистонда тадбиркорлар ҳуқуқ-манфаатлари ҳимоясини халқаро миқёсга кўтаришда, балки бутун Марказий Осиёда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва бу борадаги ҳамкорликни кучайтиришда катта аҳамият касб этади. Қолаверса, ҳар бир давлат бизнес омбудс-

манининг ўзига хос иш тарзи ва тузилмаси бор. Қирғизистон кичик ва ўрта бизнес омбудсмани институти икки йил олдин ташкил этилган эди. Шу тадбир доирасида фаолиятимизда аскадиган самарали иш услублари ва тажрибаларни ўрганишга муваффақ бўлганимиздан жуда мамнунмиз.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК
МУЛОҚОТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

Тошкент шаҳрида 13 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси билан
Америка Қўшма Штатлари ўртасида Стратегик шериклик мулоқотининг
биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Томонлар делегацияларига Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси Дональд Лу раҳбарлик қилди.

Дастлаб Абдулазиз Комилов ва Дональд Лу иштирокида кечган тор доирадаги музокарада икки томонлама ҳамкорлик, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Томонлар ўзаро ҳурмат ва бир-бири манфаатини ҳисобга олиш тамойилига асосланган конструктив мулоқотни фаоллаштириш зарурлигини яқдил маъқулладилар.

АҚШ томони янги Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ўзгаришлар

ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлашишни маълум қилди.

Қўшма штатлар вакили Ўзбекистоннинг Афғонистон халқига қўмаклашиш ва турли соҳалардаги лойиҳаларни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракати-га юқори баҳо берди.

— *Икки давлат учун ҳам самарали бўлган янги форматдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш жараёнида иштирок эттиш мен учун катта шараф. — деди жаноб Лу. — АҚШ ҳукумати Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш, демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган*

ишларни фаол қўллаб-қувватлашга тайёригизни маълум қиламан. Ишонаман, бошланган стратегик шериклик мулоқоти ўзаро алоқалар янада мустаҳкамлашишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз вазирлик, идоралари раҳбарлари ва АҚШ делегацияси аъзолари қатнашган кенгайтирилган йиғилиш давомида сиёсат ва дипломатия, иқтисодиёт ва тараққиёт, хавфсизлик, инсон ўлчови, маданий-гуманитар ва бошқа йўналишлардаги икки томонлама ҳамда минтақавий ҳамкорлик, шунингдек, халқаро ташкилотлар, молия институтлари доирасидаги муносабат юзасидан батафсил фикр алмашилди.

— Бугунги учрашув тарихий аҳамиятга эга, чунки бу АҚШ ва

Ўзбекистон ўртасидаги илк стратегик шериклик мулоқоти, — деди Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дениэль Розенблум. — Йиғилишда Дениэль Розенблум. — Йиғилишда иқтисодиёт, хавфсизлик, икки давлат ўртасидаги савдо сармоясини ошириш, инсоний ўлчов, яъни инсон ҳуқуқи сингари икки давлат учун ҳам манфаатли масалалар муҳокама қилинган. Президент Шавкат Мирзиёев бошлаган жадал ислохотларни қўллаб-қувватлашда АҚШ томони қандай ёрдам бериши мумкинлиги ҳам муҳим. Умуман, мулоқот жараёнида барча долзарб масалалар бўйича самарали таклиф-мулоҳазалар қўйилди, муҳокама олиб борилади.

АҚШнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлаш борасида доимий ва қатъий позицияси яна бир бор тасдиқланди.

Томонлар “С5+1” механизми доирасидаги ҳамкорликни жадаллаштириш, ушбу форматни юқори самарадор даражага олиб чиқиш лозимлигини қайд этдилар.

Делегациялар терроризм ва экстремизм таҳдидига қарши курашиш, Афғонистонда тинчлик жараёнини илгари суриш, мамлакатни можародан кейинги тиклаш ва афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатишга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатни давом эттиришга келишиб олдилар.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклигини аниқ йўналишлар бўйича институционаллаштириш, шунингдек, Инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда Икки томонлама солиққа тортишдан қочиш тўғрисида Битимлар тузиш бўйича музокара жараёнини бошлаш таклифи билдирилди.

— Бугун икки томонлама кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан

жуда конструктив фикр алмашилди. Ўтказилган музокаралар ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳамкорлигимиз стратегик аҳамиятга эга эканини яна бир бор тасдиқлади, — деди Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов. — Дунёдаги оғир эпидемиологик вазиятга қарамай, ушбу учрашувни ўтказиш тўғрисида қарорга келиниши томонларнинг мунтазам ва яқин мулоқотни давом эттиришдан манфаатдорлигини аңглатади. Бугунги учрашув натижаси, ўйлаيمанки, ҳамкорликнинг юқори даражасини сақлаш ва алоқалар ривожланиш суръатини янада оширишдан ҳар икки мамлакат делегациялари манфаатдорлигини намоён этди.

Тадбир якунида Стратегик шериклик мулоқотининг биринчи йиғилиши якунлари бўйича қўшма баёнот қабул қилинди.

Ғ. ХОННАЗАРОВ
Ўза

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

МАРКАЗИЙ ОСИЁГА
ДАХЛДОР ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Бошланиши 1-бетда

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё халқаро институти, Россия Федерациясининг А.Горчаков номидаги Халқ дипломатиясини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда “Марказий Осиё мактаби” илмий-таълим дастури доирасида ташкил этилди.

Анжуманда Марказий Осиёнинг барча давлатлари, шунингдек, Россиянинг бир қатор ҳудудлари, жумладан, Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари, Узоқ Шарқ федерал округидан халқаро муносабатлар ва дипломатия, ҳуқуқшунослик, бизнес ва сиёсат мамлакатлари ихтисослашган олий ўқув юртлари, стратегик таҳлил, илмий-амалий тадқиқотлар марказлари, вазирлик, идоралар, жамоат бирлашмалари вакиллари, Ўзбекистондан Марказий Осиё халқаро институти, Президент ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Касаба уюшмалари федерацияси, Миллий университет, Тошкентдаги Сингапур менежментини ривожлантириш институти, нодавлат илмий марказлар раҳбарлари, мустақил экспертлар ва талабалар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Марказий Осиё халқаро институти директори Анвар Насиров конференция қатнашчиларига сўнги йилларда минтақамизда, хусусан, мамлакатимизда юз бераётган кенг қўламли ижобий ўзгаришлар ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, минтақада янгича дўстона сиёсий муҳит шаклланишида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси бекиёс аҳамият касб этди.

Зеро, айнан дўст ва қардош қўшни мамлакатлар етакчилари иштирокида олий даражадаги учрашувлар мунтазамлик тусини олиши туфайли минтақамизнинг улкан салоҳиятидан унумли фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

— Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланиб, шериклик изчил ривожланиши натижасида минтақамиз борган сари жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига жалб этмоқда, — дейди Анвар Насиров. — Барча йўналишлар бўйича икки ва кўп томонлама шаклдаги ҳамкорлик фаоллашаётгани кузатиляпти. Бугунги кунда Марказий Осиё глобал майдонда борган сари алоҳида мамлакатлар эмас, балки нафақат умумий тарих, маданият, анъаналар ва қадриятлар, қолаверса, умумий сиёсий, савдо-иқтисодий манфаатлар бирлаштириб турган яхлит, жипслашган ҳудуд сифатида намоён бўлмоқда. Табиийки, айнан барқарорлик Марказий Осиёни иқтисодий ўсиш марказларидан бирига айлантirmoқда. Халқаро экспертлар фикрича, минтақанинг умумий ЯИМ ҳажми охириги тўрт йилда 25 фоиз ўсиб, 300 миллиард доллардан ошган.

Конференция дастурига мувофиқ, мутахассисларнинг “Янги Марказий Осиё. 2021 йил августдан кейин минтақада нима ўзгарди?”, “Марказий Осиё дунёвий тартибнинг янги шаклланаётган геосиёсий харитасида”, “Марказий Осиёнинг келажақ тими соли — ёш тадқиқотчилар нигоҳи” мавзуларидаги маърузалар тингланди. Халқаро миқёсда танилган, етакчи сиёсатшунослик марказлари эътирофини қозongan олимлар, экспертлар, шунингдек, келажак фаолиятини минтақамиз билан боғлашга қарор қилган ёш изланувчилар, талабалар Марказий Осиёдаги жараёнларга оид

кузатувлари, ўрганиш натижалари бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қайд этилганидек, Марказий Осиёнинг хавфсизлиги ва тараққиёти кўп жиҳатдан Афғонистондаги вазият барқарорлашуви билан боғлиқ. Ўзбекистон раҳбарияти бу борада доимо инсонпарварлик тамойилига асосланган қатъий позициясини билдириб келган. Давлатимиз раҳбари жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистонни гуманитар инқироздан чиқариш, тинчликпарвар жамоатчиликка қўшишга қаратилган ягона ёндашув ишлаб чиқиш муҳимлигига қаратиб келмоқда. Анжуман иштирокчилари ҳам ушбу масалалар алоҳида ургу берди.

Кейинги йилларда Марказий Осиёда минтақавий муносабат жуда фаоллашди. Бу жараёнда мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва кўп томонлама шериклик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари, охириги ойлarda Афғонистонда юз берган воқеалар туфайли юзага келган вазият ҳам Марказий Осиё давлатларидан ўзаро мувофиқлашган сиёсат юритишни тақозо этмоқда. Бу жараёнда ҳудуднинг бошқа минтақалар ёки дунёнинг етакчи давлатлари, масалан, Хитой, Россия, АҚШ ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик ўрнатиши ҳам муҳим. Шу маънода, мазкур анжуманда қўтарилаётган масалалар, таҳлил қилинаётган мавзулар, муаммолар минтақа доирасидан чиқиб, глобал аҳамият касб этади.

Халқаро конференция якунида муҳокама қилинган мавзулар, билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан тегишли таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон”
мухбири

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ — МАҲАЛЛАНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДАГИ ҲАҚИҚИЙ ВАКИЛИ

Ҳамза МАХСУМОВ, ИИБ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти Маънавий-маърифий ишлар хизмати бошлиғи, полковник



Мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уни мутлақо янги, замонавий босқичга кўтариш, соҳа ходимларининг аҳоли билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 26 мартда қабул қилинган “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида

мавжуд маҳаллаларнинг ҳар бирида камида бир нафардан профилактика инспектори фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида қўшимча 2,8 мингдан зиёд штат бирлиги ташкил этилди.

Ички ишлар органлари шахсий таркиби зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажариш учун ҳар бир ходим кенг дунёқарашли, юксак маънавий соҳиби бўлиши лозим. Ана шу мақсадда Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги қарори билан Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси тасдиқланди. Концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Республика Маънавий ва маърифат маркази билан ҳамкорликда “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишда ички ишлар органлари амалиётида илк бор етти таъминлаш ва идора билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Буларнинг барчаси шахсий таркиб билан ўтказиладиган маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишларни янада кучайтириш имкониятини беради.

Концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ички ишлар органларида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар ҳафтанинг жума куни “Ватанпарварлик куни” тадбирлари ташкил этилиши аъёна тусига кирди. Идораий таълим муассасаларида эса “Ватанпарварлик асослари”, “Маънавият асослари”, “Ватанпарварлик тарбияси”, “Қасбий маданият” каби фанлар ўқитилиши жорий этилди. Утган қисқа давр ичида 60 мингдан ортиқ турли маънавий-маърифий ва маданий тадбир, давра суҳбатлари, тарбиявий-профилактик ҳамда тартибот-ташвиқот йиғинлари ўтказилди.

66

2024 йил 1 сентябрдан эътиборан Тошкент шаҳар ички ишлар органлари, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қолган ҳудудий ички ишлар органлари профилактика катта инспектори лавозимлари фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар тайинланади. Бунга эришиш мақсадида профилактика инспекторлари учун ИИБ академияси сиртки таълимига қабул қилинадиган ходимлар умумий сонининг камида йигирма беш фоизи миқдорида қабул квотаси ажратилади.



бевосита хизмат ўташ жойи сифатида умумий ўрта таълим мактаблари белгиланди.

“Маҳалла — ҳам онанг, ҳам отанг” деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Маҳалланинг тарбия маскани сифатида янада шаклланишига барча бирдек ҳисса қўшмоғи лозим. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга ошириш, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва оқилоланишини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тузилмаси жорий қилинди.

Ушбу масканда профилактика инспекторлари аҳолининг муаммоларини яқиндан ўрганиш мақсадида “маҳалла-бай”, “хонадонбай” ва “фуқаробай” таъминоти тизими янада такомиллаштириш вазифасини юклатмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазкур соҳавий хизматдаги ишловчиларнинг мантқиқий давомидир. Унга қўра, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий

таъминоти асосида ишлаш тизими-га ўтилди.

Мамлакатимиздаги кенг кўламли ишловчилар доирасида аҳолининг тинч ва оқилоланишини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатлари хизмати қилиш” таъминоти асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизми ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва оқилоланишини таъминлаш, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун” устувор ғояси асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклатмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазкур соҳавий хизматдаги ишловчиларнинг мантқиқий давомидир. Унга қўра, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий

назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш, вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса, уларнинг уюлмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Жамоат хавфсизлиги департаментининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Ички ишлар органлари, айниқса, профилактика инспекторлари кундалик фаолиятида бевосита аҳоли билан мулоқотда бўлади. Табиийки, фуқаролар турли масалаларда мурожаат этади. Қолаверса, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш учун оқилоланиш талик посбони керакли билимларга эга салоҳиятли кадр бўлмоғи керак. Бу эса улардан чуқур ҳуқуқий билимли бўлишни талаб этади. Фармонга қўра, 2024 йил 1 сентябрдан эътиборан Тошкент шаҳар ички ишлар органлари, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қолган ҳудудий ички ишлар органлари профилактика катта инспектори лавозимлари фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар тайинланади. Бунга эришиш мақсадида профилактика инспекторлари учун ИИБ академияси сиртки таълимига қабул қилинадиган ходимлар умумий сонининг камида йигирма беш фоизи миқдорида қабул квотаси ажратилади.

Ҳужжатда фидойи ходимларни рағбатлантириш ҳам кўзда тутилган. 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб фаолиятида юқори натижаларга эришган Тошкент

шаҳри ва вилояти ички ишлар органларидан иккитадан, қолган ҳудудий ички ишлар органларидан биттадан профилактика инспектори департамент бошлиғи тақдимномасига асосан ИИБ академиясининг сиртки таълимига имтиҳонларсиз қабул қилинади ҳамда бепул ўқитилади.

Шу ўринда Президентимизнинг 2021 йил 30 ноябрдаги “Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг юридик йўналишдаги билимларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Унга асосан, 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб ички ишлар органларида уч йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган, касбига фидойи, ташаббускор профилактика (катта) инспекторларини Жамоат хавфсизлиги университети, Тошкент давлат юридик университети ҳамда юриспруденция соҳасида бакалаврият таълим йўналиши мавжуд бўлган бошқа давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларсиз сиртки таълим шаклига ўқишга қабул қилиш тартиби жорий этилади. Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети, Ички ишлар вазирлиги академияси ҳамда Давлат божхона қўмитасининг Божхона институту бундан мустасно. Ўқишга қабул қилиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади ҳамда контракт маблағлари республика бюджетидан ҳисобидан Ички ишлар вазирлиги орқали тўлаб берилади.

Фармонда профилактика инспекторларининг ҳудудда, хусусан, шаҳар ва қишлоқ шароитида фаолият юритиши бўйича аниқ механизмларни назарда тутуви “шаҳар инспектори” ва “қишлоқ инспектори” моделларини амалиётга жорий этиш чораларини қўриш ва улар бўйича ўқитиш тизимини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, тизимдаги босқичма-босқич ишловчилар замирида ўсиб келаётган ёш авлодин ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни синдириш ҳамда юксак маънавиятга ва сарфатли қилиб вояга етишини таъминлаш мақсади ётади. Бу борада ИИБ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти ички ишлар органларида ташкил этилаётган “Ватанпарварлик бурчаклари” ўрнатилган тартибда жиҳозланишида амалий ёрдам қўриштириб берилади. Энг асосийси, департамент ташаббуси билан чоп этилаётган турли китоблар ёш ходимларнинг маънавияти ошишида муҳим аҳамият касб этаётди.

Хулоса қилиб айтишдан бўлса, янги Ўзбекистон шароитида ички ишлар органлари ходимлари, айниқса, халққа энг яқин бўлган профилактика инспекторлари олдида муҳим вазифалар турибди. Бу вазифаларни самарали бажариш эса улардан касбий маҳорат, бой тажрибадан ташқари чуқур ҳуқуқий билимин ҳам талаб этади. Президентнинг юқорида тилга олинган фармон ва қарорлари ана шу эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Қолаверса, ҳар томонлама билимли профилактика инспекторларига, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, маҳалланинг ички ишлар органларидаги ҳақиқий вакили бўла олади.

МУНОСАБАТ



Одинахов ОТАХОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг 12 декабрь — Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан соҳа вакиллари йўллаган байрам табригида янги Ўзбекистон равнақи ва аҳоли фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган моҳир деҳдон ва фермерлар, боғбонлар, чорвадор ва пилларкорлар хизматлари алоҳида эътироф этилган барчамизни тўлқинлантириб юборди.

Самимий сўзларни ўқир эканман, шу соҳа вакили эканимдан фخرландим. Байрам арафасида қўсимга тақилган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўрак нишонин эса миннатдорлик туйғуларини янада мавжлантирди. Камтарона меҳнатимизнинг давлатимиз раҳбари, халқимиз томонидан эътироф этилиши янада шижоат кўрсатиб ишлашга илҳомлантирмоқда. Зотан, рағбат инсонни янги марралар, ташаббуслар сари чорлайди.

Ҳақиқатан, соҳанинг жонқуяр олимлари ва мутахассислари ҳар қанча эътирофга лойиқ, Чунки дунё миқёсида давом этаётган пандемия таъсири,

бахорда ёғингарчилик кам бўлгани, ёз чилласи иссиқ келиши, сув ресурслари ҳар йилгидан сезиларли даражада танқислигига қарамай, улар мўл ҳосил етиштириб, аввалги йиллардагига нисбатан юқори марраларга эришди.

Бу йил республикамиз бўйича 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта ҳомишаси, 23 минг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт, 11 миллион тоннадан ортиқ сўт маҳсулотлари, 8,3 миллиард дон тухум, 400 минг тонна балиқ етиштирилгани йил бўйи туну кун қилинган машаққатли меҳнатнинг муносиб самараси, десак айтиш ҳақиқатдир.

Қишлоқ хўжалигида осон йилнинг ўзи бўлмади. Табиат инжиқчиликлари, сув ресурслари чеклангани каби машаққатлар фермердан катта азмушжоат, миришкорлик ва тажриба талаб этади. Мен ҳам депутатлик фаолиятимга қадар кўп йиллар давомида фермерлик билан шуғулланганман. Соҳанинг иссиқ-совуғидан яхши хабардорман. Очиги, бундан беш-олти йил аввал соҳага етарли даражада эътибор берилмас эди. Фермер хўжаликлари раҳбарларида ҳам билим ва кўникма



етишмаслиги туфайли экинларни жойлаштириш ва юқори ҳосил олишдаги имкониятлар бой бериларди.

Бугун-чи? Айни кунда қишлоқ хўжалиги йил сайин замонавий тармоққа, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқаришнинг асосий бўлигига айланиб бормоқда. Айниқса, чорвачилик тармоғини жадал ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ички истеъмол бозорини гўшт, сўт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, озуқа базасини кўпайтириш, наслчиликни яхшилашда муҳим омил бўлиб

хизмат қилаётди. Эътиборлиси, давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитларни чорвадорлар ўз фаолиятида ҳис қилиб турибди.

Қувонарли томони, қишлоқ хўжалигида бозор механизмлари асосланган, бошқарушнинг мутлақо замонавий шакли бўлган кластер тизими жорий этилаётгани амалда ўзини тўла оқламоқда. Энг муҳими, ушбу инновацион тизим аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим воситасига, қишлоқ аҳолисининг кафолатли даромад манбаига айланиб борапти.

Ҳозирги кунда дуртимизда барча йўналишларда 651 та агрокластер фаолият юритиб, пахта ва галланинг 100 фоизи, мева-сабзавотнинг 40 фоизидан ортиғи айнан ана шундай корхоналар улушига тўғри келмоқда. Агрокластерлар қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳани саноатлаштириш, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш, пировардида четга ҳомишаси эмас, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот экспорт қилиш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш каби асосий вазифаларни самарали амалга оширмоқда.

Очигини айтиш керак, охирги беш йилда бу тармоқ улкан ўзгаришларга юз тутди. Қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, оброҳотдан чиққан экин майдонларини қайта фойдаланишга қиритиш, лалми ерларни ўзлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилаётгани ту-



файли биргина 2020-2021 йилларда 369 минг гектар ер қайта фойдаланишга қиритилди.

Тизимдаги изчил ишловчилар самарасида ерга, меҳнатга муносабат ўзгарди. Давлатимиз раҳбари томонидан фермерлик ҳаракати ривожига, фермерлар меҳнатини рағбатлантиришга қўриштирилган алоҳида эътибор юксак самара бермоқда.

Биргина янги иссиқхоналар ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари таннархининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишлар натижасида 2021 йилнинг ўзида 797 гектар майдонда қиймати 2,3 триллион сўмлик 398 та замонавий иссиқхона ишга туширилиб, 11 мингдан ортиқ кишининг тадбирлар таъминланди.

Албатта, бу каби натижаларга эришиш ўз-ўзидан кечмайди. Бунинг учун, аввало, катта меҳнат ва шижоат, қолаверса, зарур шарт-шароит, техника, асбоб-ускуналар лозим бўлади. Шу сабабли энди янги лойиҳалар устида ишлаш, бозор механизмлари таъминотларини кенг жорий этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, маълуми мутахассисларни тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият берилаяпти.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар эса амалиётда ўз натижасини бериб, халқ ҳаёти, фаровонлигида акс этаётгани янада қувонарли.



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон КОМИЛОВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси

Бошланиши 1-бетда

Одил судлов қачонки чинакам мустақил суд ҳокимияти томонидан амалга оширилса, инсон қадр-қиммати таъминланади, адолат ва қонун устуворлиги қарор топади. Шу маънода, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидадир. Гап шу ҳақда кетганида, Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида илгари сурган ташаббуслар ёдга тушади.

“Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир. Судларда ишларни кўриш сифатини ошириш, айниқса, фуқаролик ишларида овоза бўлиб юришларнинг олдини олиш, айнан бир инстанция судида ишни бир неча маротаба кўриб турли қарорлар қабул қилиш амалиётига чек қўйиш вақти келди”, деган эди давлатимиз раҳбари.

Ўтган қисқа даврда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Аввало, Ҳаракатлар стратегияси асосидаги ислохотлар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судларнинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди.

Сўнгги 5 йилда ушбу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 50 дан ортиқ қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. Суд тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ислохотларга мос равишда янгиланди.

Жумладан, 3 та кодекс янгидан қабул қилинди, бошқа бир қатор кодексларга жиддий ўзгартиришлар киритилди. Янги “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Шу ҳуқуқий асосда суд тизими тубдан такомиллаштирилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган ислохотлар, энг аввало, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Бу борадаги самаралар судлар тузилмасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш, судларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган институционал ислохотлар мисолида яққол намойён бўлди.

Жумладан, Президентимизнинг судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, юксак малакали суд ходимлари корпусини шакллантириш борасидаги беш йил олдинги ташаббуси асосида судьялик лавозимларига номзодларни саралаш ва тайинлашнинг янги тартиб-таомиллари жорий этилди.

Судлар мустақил экани ва фақат қонунга бўйсунганини таъминлашда судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик ва сўнг муддатсиз давр белгиланиши муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга, судьяларнинг лавозимига кейинги муддатга қайта сайланиши ёки тайинланиши, ўз вазифаларини намунали адо этгач, кейинчалик ўн йилга ва ҳатто муддатсиз даврга



сайланиши ёки тайинланиши рағбатлантириш манбаи бўлиб ҳам хизмат қилмоқда.

Судларни молиялаштириш тизими стандартларга мувофиқлаштирилди. Президентимизнинг 2021 йил 13 январдаги “Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, судья ва суд органлари ходимларининг иш ҳақлари ҳамда қўшимча тўловлари тўлиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Судьяларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Бу ҳам, албатта, суд мустақиллигини таъминловчи муҳим кафолатлардандир.

Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, судьянинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига ҳар қандай аралашувнинг олдини олиш мақсадида: биринчидан, судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси томонидан прокуратура органларига тақдимнома киритиш;

иккинчидан, судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйиш тартиби ўрнатилди.

“**ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС РАВИШДА УЧ БОСҚИЧЛИ СУД ТИЗИМИ ЯРАТИЛДИ: БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ (ТУМАН (ШАҲАР) СУДЛАРИ, АЙРИМ ТОИФАДАГИ МУРАККАБ ИШЛАР БҲҲИЧА — ВИЛОЯТ СУДЛАРИ), АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ (ВИЛОЯТ ДАРАЖАСИДАГИ СУДЛАР) ВА КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ (ОЛИЙ СУД) ДАН ИБОРАТ БҲҲАН “БИР СУД — БИР ИНСТАНЦИЯ” ТАМОЙИЛИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ.**

Ислохотлар аввалида ягона суд амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Олий суд ва Олий ҳўжалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Олий судга бирлаштирилгани ўз самарасини берди.

Шу муносабат билан вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари

бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда, вилоят даражасидаги умумюрисдикция судлари ташкил этилди. Таъкидлаш лозимки, бу амалиёт суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда.

— Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш борасида ҳам кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Бўгун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминлангани ҳақида сўз борганида шу ва бошқа ислохотларни таҳлил қилиш имконига эгамиз. Шундай экан, бу борадаги таъсирчан чора-тадбирлар мазмун-моҳияти ҳақида ҳам батафсил гапириб берсангиз.

— Бу кўп йиллар халқимиз орзиқиб кутган жуда муҳим ислохот бўлди. Одил судловни амалга ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш судларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Бу борада ўтган даврда комплекс чора-тадбирлар қўрилди. Жумладан, илк бор давлат органлари қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатини таъ-

минлашга хизмат қиладиган маъмурий судлар ташкил этилди. Мисол учун, 2017-2020 йиллар ва 2021 йилнинг 9 ойи мобайнида маъмурий судлар томонидан 67 минг 990 та ариза қўрилиб, шундан 44 минг 388 таси, яъни 65 фоизи қаноатлантирилган. Ҳокимларнинг 5 минг 478 та қарори ҳақиқий эмас, деб топилиб, фуқаролар ва юридик

“**Судлар мустақил экани ва фақат қонунга бўйсунганини таъминлашда судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик ва сўнг муддатсиз давр белгиланиши муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга, судьяларнинг лавозимига кейинги муддатга қайта сайланиши ёки тайинланиши, ўз вазифаларини намунали адо этгач, кейинчалик ўн йилга ва ҳатто муддатсиз даврга сайланиши ёки тайинланиши рағбатлантириш манбаи бўлиб ҳам хизмат қилмоқда.**

шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги яна бир муҳим ислохот — “Хабас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни янада кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди. Қамоқ тарзидаги жиноий жазо



тури тугатилиб, унинг ўрнига жазонинг озодлиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилди ва далилларга баҳо бериш институти тубдан такомиллаштирилди.

Бу, ўз навбатида, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама текширилиб, далилларга ҳолисона баҳо берилишига, натижада оқлов ҳукмлари кўпайишига асос яратди.

Хусусан, ўтган 5 йилда 3 минг 513 нафар, фақат 2021 йилнинг 9 ойида 743 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, 18 026 нафар шахс суд залидан озод қилиниб, 33 минг 515 фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловлардан чиқарилган ёки ўзгартирилган.

Бир қарашда ушбу кўрсаткичлар оддий рақамлар бўлиб кўриниши мумкин. Лекин ноҳақ айбланган шунча инсоннинг оиласи бағрига қайтишини, озодликка чиқишини кўз олдимизга келтириб кўрсак, албатта, ислохотлар самараси оддий бир инсон тақдирида қандай акс этганини аниқ тасаввур қиламиз.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг яққол натижасидир. Зеро, эркинлик — инсон учун энг олий эътибат.

Бу борадаги яна бир муҳим ислохот — инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд қарорларини қайта

кўриш институти такомиллаштирилгандир. Эътибор беринг, 2017 йилга қадар 7 та суд инстанциясида суд қарорлари қайта кўриб чиқилган бўлса, кейинги уч йилда бу инстанциялар сони 3 тага қисқартирилди.

Суд инстанциялари қисқартирилиши нима дегани? Бу, албатта, бузилган ҳуқуқнинг тезроқ муддатда ортиқча овозагарчилик ва сарф-харажатларсиз самарали тикланишини аниқлатади.

Шу сабабли халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд

— Ҳаракатлар стратегиясида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий қонунчиликни такомиллаштириш ҳам кўзда тутилган эди. Бу жараёнда бугун Ўзбекистонда қандай тизим мавжуд?

— Тўғри таъкидлаганингиздек, Ҳаракатлар стратегиясида бу борада тўртта муҳим жиҳат белгиланган эди.

Биринчи — жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш.

Иккинчи — одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш.

Учинчи — жиноят, фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини тақорралайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш.

Тўртинчи — электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

Ана шу мақсадларни амалга ошириш йўлида, аввало, янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекс ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилинди. Уларда суд ишларини юритишга оид процессуал тартиблар халқаро стандартга мос равишда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур таҳлил қилган ҳолда, илгор хорижий тақриба асосида такомиллаштирилди ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга оид янги нормалар киритилди.

Фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришда прокурор иштироки билан боғлиқ нормалар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Прокурор қонунда назарда тутилган ёки ўзининг даъво аризаси асосида кўзгатирилган ишлардагина иштирок этиши, иш бўйича тарафларнинг мунозабатлари мавжуд бўлган тақдирда кассация протестини киритиш масаласини ҳал қилиш учун суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли экани белгиланди.

“Медиация тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унда судгача фуқаролик ишлари ва иқтисодий низоларни ҳал этишнинг асосий тушунчалари, мақсадлари, вазифалари, механизмлари белгиланди.

Давоми 5-бетда

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Салим ДОНИЁРОВ
суҳбатлашди.

САМАРАЛИ ТИЗИМ

ЯНГИЛАНАЁТГАН МЕТРОЛОГИЯ

Лазизбек САИДРИПОВ,
Ўзбекистон миллий метрология
институтини директори

Аниқ ўлчовлар — сифат ва хавфсизлик асоси



талаби ортгани сари соҳа мутахассислари олдидаги вазифа ва масъулият ҳам кенгайиб бормоқда.

СОҲАНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Юртимизда ўлчаш техникаси микдори ва янги турлари кўпаймоқда. Бу ижобий ҳолат, албатта. Аммо метрологик фаолиятнинг такомиллашиши, биринчи галда, мамлакатимиздаги иқтисодий ўзгаришларга, маҳаллий ишлаб чиқариш, айниқса, йирик ва кичик бизнес корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорликни энг қулай ривожлантириш шароитларига мос бўлиши керак.

Масалан, нефть ва нефть маҳсулотлари қазиб олиш, бирламчи қайта ишлаш, ташиш ва сотиш жараёнларидаги ўлчашларни олайлик. Бунда тижорат ҳисоб-китоблари маҳсулотнинг турли кўрсаткичлари, хусусан, сарф, ҳажм, оғирлик, зичлик, ёпишқоқлик, ҳарорат ва бошқалар бўйича ўлчаш воситалари ҳулосалари асосида амалга оширилади. Демак, ушбу ўлчашлардаги кичик хатолар ҳам ялпи маҳсулотнинг салмоқли қисми тижорат ҳисобидан тушиб кетишига олиб келади.

Замонавий техника ва технологиялар эса шу каби камчиликларнинг олдини олиш имконини беради. Бироқ 2017 йилга қадар метрология соҳасига институционал ёндашув бўлмагани, миллий эталонлар базасини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмагани сабабли юртимизда атиги 9 та миллий эталон ва юқори аниқликдаги 151 та намунавий ўлчаш воситаси мавжуд бўлган. Ўлчаш воситаларини калибрлаш лабораториялари ташкил этилмагани тўғрисида мазкур хизматнинг улуши жами ишлар ҳажмига

Хар қандай соҳада зарур бўладиган метрология, яъни ўлчаш воситаларисиз керакли ҳисоб-китобларни амалга ошириш мушкул. Айниқса, иқтисодийнинг турли тармоқларида қўлланиладиган ўлчаш натижаларининг аниқлиги, ҳолислиги, ишончилиги ва солиштирувчанлигини таъминламасдан, қўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Ҳаво ҳарорати, босими, вақт, масофа, оғирлик, умуман, атрофимиздаги барча нарсанинг ўз ўлчови бор. Инсонларнинг бу борадаги аниқликни таъминлашга

эталон эса ваколат берилган миллий органнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўлчаш бирлигининг ўлчами сифатида эътироф этилган эталон ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда ишлаб чиқариш соҳасида ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган ва уларни ўтказишга сарфланадиган харажатлар маҳсулотни тайёрлашга ишлатиладиган умумий сарф-харажатларнинг 20 фоизини ташкил қилмоқда. Боиси, қайси соҳани

шунингдек, калибрлаш лабораторияларининг халқаро аккредитация соҳасини қўшимча 4 та (узунлик, физик-кимё, электр ва куч) ўлчаш турига кенгайтириш лозим бўлади.

Ўзбекистон миллий метрология институтини ва унинг ҳудудий филиалларидаги ўлчаш лабораторияларининг моддий-техник базасини янада такомиллаштириш мақсадида жорий йилда 13 миллиард сўмлик жами 172 та юқори аниқликдаги ўлчаш воситаси харид қилиниб, ўрнатилди.



олмайлик, биргина нотўғри ўлчаш катта салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқаришда — сифатсиз маҳсулот, тиббиётда — нотўғри ташхис, қурилишда — аниқ асосга эга бўлмаган бино-иншоотлар, экологияда атроф-муҳитнинг захарланишига олиб келиши ҳеч гап эмас.

Ўзбекистон миллий метрология институтини Халқаро тарози ва ўлчовлар бюроси (BIPM)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Бу халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, метрологик лабораториялар имкониятини кенгайтириш орқали Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўлчашларнинг хорижда эътироф этилишига йўл очади. Бунинг учун қўшни давлатларда ўлчашларга бўлган эҳтиёж таҳлил қилган ҳолда метрологик хизматлар экспортини йўлга қўйиш,

институт томонидан калибрланди. Ҳозир ҳамкорликда бундай ишлар Қирғизистон ва Туркменистондаги ҳамкасблар билан ҳам олиб бориляпти.

ШАФФОФ ТИЗИМ ИМКОНИАТЛАРИ

Соҳа ривожига инвестициялар улуши ортиб борапти. Хусусан, Германиянинг “Jenoptik Robot GmbH” компанияси билан ҳамкорликда қиймати 93 минг евро бўлган Автотранспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш лабораторияси ташкил этилди. Бу йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда самарали механизмларни жорий этиш, фото-видео радар ускуналарининг метрологик назоратини таъминлашга хизмат қилляпти.

Халқаро атом энергетикаси агентлиги (МАГАТЕ) ёрдамида амалга оширилаётган қиймати 617,3 минг долларлик “Йонлаштирувчи ва рентген нурланиш соҳасидаги иккиламчи эталонлар маҳсус дозиметрик лабораториясини яратиш” лойиҳаси ҳам салмоқ жиҳатидан нихоятда кенг. Лойиҳа Ўзбекистонда ҳозирга қадар қиёсланмаётган 150 дан ортиқ гамма нурланиш манбалари ва 25 дан ортиқ рентген нурланиши ўлчаш воситаларининг метрологик назоратини таъминлаш имконини беради.

Жараёнда саноат корхоналарига метрологик хизматлар кўрсатишда қулай шароит яратиш, уларнинг вақт ва маблағларини тежаш ҳамда ривожланган хорижий метрология институтлари тажрибасини жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирча тиббиёт ва энергетика соҳаларида қўлланиладиган 3 та маҳсус мобил лаборатория ишга туширилиб, логистика хизматларига ихтисослашган 6 та филиалга автотранспорт воситалари харид қилинди. Келгусида уларнинг сонини янада ошириш мақсад қилинган.

Ҳозирги даврда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти, бизнес ривожини, иқтисодийётига жиддий тўсиқ бўлаётган коррупция иллатига қарши муроасасиз кураш олиб бораёмиш. Бунда ҳар бир соҳа фаол иштирок этмоғи лозим. Метрологияда ҳам хизматларни кўрсатишда, аввало, шаффоф тизим яратиш кўзда тутилган. Бу борада олиб

борилган ишлар орқали аҳоли ва тадбиркорларга бир қатор қулайликлар яратилди ҳам.

Жумладан, фуқароларнинг 5 та идора — энергия таъминотида икки маротаба, МИБ, таъмирлаш корхонаси, қиёслаш лабораториясига қатнови бекор қилиниб, ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки давлат хизматлари марказига бир маротаба бўладиган мурожаати йўлга қўйилди. Шунингдек, фойдаланиладиган маиший ҳисоблашларнинг қиёслашлараро мuddатлари икки баравар узайтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг ўлчаш воситаларини давлат синовлари, метрологик аттестация, қиёслаш ва калибрлашдан ўтказишда метрологик хизматларни амалга ошириш бўйича қарори билан халқаро тавсияларга асосланган 5 та қоида тасдиқланиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қатор имкониятлар яратилди. Хусусан, ариза бериш, шартнома расмийлаштириш жараёнлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилиб, масофадан туриб мурожаат қилиш тизими йўлга қўйилди. Ариза берувчи томонидан 9 турдаги ҳужжатларни тақдим этиш бекор қилиниб, талаб этиладиган ҳужжатлар 11 тадан 2 тагача, тадбиркорларга хизмат кўрсатиш мuddати эса 2-2,5 баробар қисқартирилди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотини нархига таъсир қилувчи харажатларини қисқартириш мақсадида ўлчаш воситалари турини тасдиқлаш тўғрисидаги сертификат мuddати 1 йилдан 5 йилга узайтирилди.

Бугун одамлар ҳар қандай хизмат турини электрон тарзда амалга оширишни афзал билимқда. Шу боис, метрологик хизматларни автоматлаштириш ишлари ҳам жадаллашган. Жорий йил 1 июлдан “e-metrologiya” ахборот тизими ишга туширилган бўлса, ўтган қисқа вақтда 7 мингдан ортиқ ариза асосида метрологик хизматлар кўрсатилди. Мазкур ахборот тизими орқали ўлчаш воситалари учун бериладиган гувоҳнома ва хабарномаларни маҳсус ҳимояланган QR-код билан электрон шаклда расмийлаштириш йўлга қўйилди.

Умуман, сифатли метрологик хизматлар, замонавий ва юқори аниқликдаги ўлчаш (синаш) воситалари барча соҳада биз истagan сифат, аниқ ҳисоб-китоб ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

ТРАНСПОРТ ИНФРАУЗИЛМАСИ

ПОЙТАХТНИНГ ЯНГИ МЕТРО МАНЗИЛЛАРИ ЕР УСТИ ҚЎЙЛИҚ – ҚИПЧОҚ ЙЎНАЛИШИДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИНГ 60 ФОИЗИ БАЖАРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда Тошкентда уч ярим миллион аҳоли муқим истикомат қилаётган бўлса, бир кеча-кундузда республикамизнинг бошқа вилоятлари, қўшни давлатлар ҳамда дунёнинг турли ҳудудларидан 1 миллионга яқин аҳоли Марказий Осиёнинг энг катта шаҳрига келиб кетади. Қалаверса, айни пайтда Тошкент шаҳрида 630 мингдан ортиқ автомобиль рўйхатга олинган бўлиб, бир сутка давомидан яна 300 мингга яқин енгил ва оғир машина пойтахтга кириб-чиқади. Мутахассислар фикрича, Тошкентнинг йил сайин ривожланиб, фаровон шаҳарга айланиб бориши келгусида аҳоли ҳамда автомобиллар сони янада ортишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида транспорт тирбандлиги янада кучайиш эҳтимоли юқори.

Шу боис, давлатимиз раҳбари бу каби муаммоларни олдиндан кўра билиб, жамоат транспортини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқда. Бунда аҳоли учун энг замонавий, хавфсиз, қулай ва тезкор транспорт тури бўлган янги метро йўналишларини қуриш ташаббуси илгари сурилди. Бунинг учун 2017 йил 19 майда Президентимизнинг “Тошкент шаҳрида ер усти метро линияларининг қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини эълон қилинди.

Унга кўра, мамлакатимизда илк бор эстакада шаклида ер усти метро линияси ҳамда ер ости йўналишларини



қуришга киришилди. Бу ишлар “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Кўприққурилиш трести” унитар корхонаси жамоаси зиммасига юклатилди. Ушбу вазифа ижросини таъминлаш давомида темирйўлчилар томонидан Тошкент халқа ер усти метрополитени линиясининг

1-босқичи бўлган Дўстлик — Қўйлик участкаси ҳамда Тошкент метрополитенининг ер усти Сергели йўналиши ва Юнусобод йўналишининг ер ости 2-босқичлари қурилди. 2020 йилнинг декабрь ойида эса 11,62 километрли Қўйлик — Қипчоқ участкасида қурилиш ишлари бошланди.

Тошкент халқа ер усти метро йўлининг 2-босқичи Қўйлик бозоридан Миробод ҳамда Сергели туманидан ўтган Тошкент катта халқа йўли, пойтахт вилоятининг Зангиота туманидаги Хонобод кўчаси ҳамда Сергели туманининг Қипчоқ кўчасидан ўтиб, Сергели линиясининг 5-бекатига уланади ва Янги-

ҳаёт туманидаги Тошкент металлургия заводи ҳудудида етказилади. Ушбу участкада 7 та бекат барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, айни пайтда бу ишлар Қўйлик бозори ҳудудидаги 7-бекатдан Сергелидаги Қурилиш мавзеси-гача бўлган 5 та бекатда олиб бориляпти. Қолган икки манзилда ҳам дастлабки юмушлар бошлаб юборилган.

Лойиҳа бўйича шу кунга қадар 2 минг 418 та темир-бетон балкадан 1 минг 14 таси, 405 та темир-бетон кўндаланг устундан 203 таси, 405 та темир-бетон кўндаланг ригелдан 198 таси, 1 ярусли 405 та темир-бетон пойдевордан 210 таси, 2 ярусли 405 та темир-бетон пойдевордан 210 таси ҳамда 405 та хандакдан 212 таси бажарилди. 8, 9, 10-бекатлар оралиғида пойдевор, устун ҳамда ригеллар ва уларга 26 метрли балкалар ўрнатиб бўлинди.

Хусусан, 8-бекатнинг биринчи қаватида асосий қурилиш ишлари деярли тугатилиб, сўнгги пардозлаш бажариляпти. Бино деворлари ҳар қандай об-ҳавога чидамли, мустаҳкам кафеель ҳамда мрамар билан қопланмоқда. Бино ичи миллий дизайн асосида безатилиб, йўлақларга қўркам мрамар ётқизилляпти.

9 ва 10-бекатда ҳам асосий қурилиш ишлари тугатилиб, биноларнинг ички ва ташқи қисмида пардозлаш, электр, сантехника ва алоқа тизимини монтаж қилиш жараёнилар давом этапти. Айни пайтда лойиҳанинг энг мураккаб қурилиш ҳудудидан бири — Тошкент халқа автомобиль йўлининг Хонобод кўчасига туташган бурилиш қисмида темирйўлчилар томонидан монолит усулда эстакада тикланыпти.

Хонобод кўчасида ҳам белгиланган лойиҳа асосида пойдевор, устун ва ригелларни ўрнатиш ишлари якунига етиб қолди. Қипчоқ кўчасида эса пойдеворлар қазилиб, устунларни ўрнатиш бошлаб юборилди.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, Қўйлик бозоридан Тошкент халқа йўли бўйлаб 8, 9 ҳамда 10-бекатлар оралиғида эстакада шаклидаги қурилишнинг темир-бетон ишлари якунига етаётгани боис, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг йўл ҳўжалиги бошқармаси мутахассислари томонидан 2 минг 500 метрдан ортиқ янги рельс ётқизилди. Жараён қизгин давом этмоқда.

Тошкент ер усти халқа метро йўналишининг 2-босқичи қурилишига 110 та техника, машина ва механизм ҳамда 2500 нафарга яқин малакали муҳандис ва ишчи-ходим жалб қилинган. Уларга қулай маиший шарт-шароитлар яратилган, меҳнат муҳофазасига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатиши назоратга олинган. Қурилиш объектига зарур маҳсулотлар ҳам ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Қурилиш жараёнида бажарилаётган ишлар сифати бўйича Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси ҳамда “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси томонидан мунтазам назорат олиб боришмоқда.

Қўйлик — Қипчоқ участкаси фойдаланишга топширилган, суткасига 46 минг йўловчи ташилиши режалаштирилган. 700 га яқин янги иш ўрни ҳам яратилади.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда темирйўлчилар зиммасига юклатилган йирик лойиҳа жадаллик билан бажаришмоқда. Мутахассислар фикрича, ҳозирга қадар қурилиш ишларининг қарийб 60 фоизи амалга оширилди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти
Ахборот-таҳлилий
медиамаркази мутахассиси**

БАҒРИКЕНГЛИК

МЕҲР ВА ЯХШИЛИК ТАРАЛАЁТГАН ХОНАДОН

ёки қалби қуёш инсонлар ёнида

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ота-она учун фарзанди камолини кўришдан ортик бахт бўлмаса керак. Бола ҳам ота-онанинг бағрида бахти бутун, кўкси тоғ бўлиб ўсади. Аммо ҳаёт синовлардан холи эмас. Баъзан у норасидаларни яқинлари меҳридан мосуво этиб синайди, оила, ота-она соғинчли кўзига мунг ва изтироб этиб жойлайди. Аммо меҳри қуёш инсонлар бор экан, кемтик қалбларда келажакка ишонч, муҳаббат ва яхшилик уруғи нир увареради.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри “Дўстлик” маҳалласида яшовчи Лазизбек Аҳмедов ва турмуш ўртоғи Райхона Аҳмедова “Янги Ўзбекистон болалари” оилавий болалар уйини ташкил этди. Улар Гулистон шаҳридаги Болалар шаҳарчасидан 4 ўғил ва 2 қизни асраб олди.

Оила бошлиғи Гулистон шаҳри ҳокимиятининг ёшлар сисёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, турмуш ўртоғи эса банк ходими. Уларнинг уч ўғил, бир қизи бор. Лазизбек кичик фарзанди — қизига шерик бўлсин, дея бир қиз асраб олишни анчадан бери ният қилиб юрганди. Бу йил Болалар шаҳарчалари, Меҳрибонлик уйлари ва Миллий гвардия тизимида ўқитилган ҳамда боқувчисини йўқотган, ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни янги тизим орқали оилалар бағрига бериш тартиби йўлга қўйилгандан сўнг Лазизбекнинг қарори янада қатъийлашди. У бу масалада Миллий гвардиянинг Сирдарё вилояти бошқармаси ҳамда Болалар шаҳарчасига murojaat қилди.

Лазизбек меҳр ва эътиборга муҳтож, кўнгли ярим, бироқ юзид табассум балқиб турган болаларни кўрганида озгина аҳшилик ва эътибор уларнинг қалбига нур ва чексиз қувонч олиб киришни англади. Райхонахон ҳам турмуш ўртоғининг бу ниятини қўллаб-қувватлади.

Хонадонда оиланинг янги аъзолари учун керакли барча шароит яратиш, уларни руҳлантиришга қатта эътибор қаратилди. Хоналар уларнинг истиағига мос жиҳозланди, спорт анжомлари, муъжаз кутубхона ҳам улар ихтиёрига берилди. Айни пайтда ўғил-қизлар ўзи ўрганган таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш билан бирга musiqa, спорт, хорижий тиллар тўғрисидаги боришни қанда қилмаётти.

— Оиламизга мослашиш, ўзини худди уйдагидек ҳис этиб, эмин-эркин ҳаракатланиши учун улар билан ҳар куни алоҳида-алоҳида гаплашаман. Қизиқчи, орзу-ниятлари ҳақида сўрайман, — дейди Лазизбек Аҳмедов. — Болаларнинг мақсади ва режалари турлича. Мисол учун, катта фарзандимиз Бобуржон тадбиркорликка қизиқяпти. Паррандачилик фабрикасини ташкил этмоқчи. Бу борада унга зарур бўладиган дастлабки тавсия ва билимни бераман. Ораси амалга ошишига кўмаклашаман.

Ортида ўзини қўллайдиган одамлар борлигини ҳис қилган бола келгусида катта натижаларга эри-

шиш учун мақсадини чекинмайди. Эртанги кунга ишончи ва умиди ортади. Вақти келиб, интилиши ва сазй-ҳаракатлари билан аста-секин қаддини тиклайди.

Рухий хотиржамлик, самимий муносабат, меҳр ва иззатини жойига қўйиш каби хислатлар устувор оилада камол толган боланинг ўзига ишончи ҳам юқори бўлади. Лазизбек ва Райхонахон болаларнинг ёши ва феъл-атвориани ҳисобга олган ҳолда, улардаги ўзгаришларни кузатиб боради, интилиши ва ташаббусини қўллаб-қувватлайди.



— Ҳозир мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишга эътибор катта. Биз ҳам шу имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилаямиз, — дейди Райхона Аҳмедова. — Болаларнинг кун тартиби турличалиги туфайли ҳаммасини репетитор ёки тўғрақча бир пайтда олиб бориш ноқулай. Шу боис, кечки маҳал — ҳамма уйга тўпланган вақтда чет тили ўқитувчиси чақирилган қарор қилдик. Катта қизимиз Ўғилбой 9-синфда ўқийди. Инглиз тили ва musiqaга қизиқмади. Чет тилини ўрганиш билан бирга Гулистон шаҳридаги 2-музыка мактабида таҳсил олмақда. Баҳождиржон эса 8-синфда ўқийди, олимпиада захиралари мактабидан ўқувчиси. Келгусида шифокор бўлмоқчи. Шу боис, кимё ва биология бўйича тўғрақча қатнаётти. Асатулло 5-синф, ватан ҳимоячиси бўлишни кўнглига туккан. Фозилбек эса ҳали жуда ёш. Унга касб танлашда ўзимиз ёрдам берамиз.

Фарзанд асраб олган инсоннинг зиммасида катта масъулият туради. Зеро, гўдаклигидек ҳаёт

зарбасига дуч келган, ота-она қарамоғидан маҳрум бу болалар янги оилага қадам қўяр экан, янги муҳитга мослашиш жараёни осон кечмаслиги аниқ. Бундай пайтда болалар учун яратилган шароит ва ғамхўрликдан ташқари уларнинг кўнглига йўл топиш, тушуниш жуда муҳим. Зеро, бу ўғил-қизларнинг ҳеч кимга айтмайдиган ҳаётий хикоялари бўлади, руҳиятидаги зиддиятлар алоҳида ёндашушни талаб қилади.

Оила бекасининг оқилоу зукколиги бунда алоҳида аҳамиятга эга. Райхонахон қизларга ўзгача меҳр билан қарайди. Дарс тайёрлаш ёки уй ишларини бажариш асосида улар билан дилдан суҳбатлашиб, сирдош дўста айланишга ҳаракат қилади. Болаларни оиланинг катталари — бобо-бувилар, кўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари билан таништирди, улар билан қариндош-уруғчилик муносабатлари ҳақида сўзлаб берди. Қизлар ҳам онасига ўрганиб қолди.



— Болалар билан илк учрашганимда туш қўраётгандек эдим, — дейди оила бекаси. — Уйимиз доим келди-кетди. Ҳовлимиз катта, қариндош-уруғлар ҳам тез-тез бизникида йиғилиб туради. Болалар келиши уйимизни янада тўлдирди. Уларни ўз фарзандимдек қабул қилдим. Болалар ҳам секин-аста мени она сифатида қабул қилмоқда. Улар Болалар шаҳарчасида яхши тарбия кўрган. Тез тил топишди. Фарзандларим ҳам улар билан худди қондодек бўлиб кетди.

“Самимий, очик юз билан қараб бўлса ҳам яхшилиқ қил”, деган ҳикмат бор. Дарҳақиқат, инсонни бу дунёда улуғлайдиган фазилат яхшилик, ўзгаларга меҳр улашиш ва қадрлашдир. Бағрикенглик, беминнат меҳринга кемтик кўнглиларни тўлдирди. Ўғил-қизларнинг эртага юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлиб улуғлайишга замин яратди.

Давлатимиз раҳбари шу йил февраль ойда Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан суҳбатда бун-


дай деганди: “Сизлар ҳаммаларинг менинг фарзандларимсизлар. Ҳаёт жуда мураккаб. Шунинг билан, бугун оғир кунлар бўлсаям, Аллоҳ таолонинг ёруғ кунлари бор. Сизларнинг қийналганларинг, оилани эслашларинг, орзу-умидларинг ортида Худонинг марҳамати, эртанги қувонч бор. Бу дунёда ким бахтли бўлишини келажак кўрсатади. Сизларнинг бахтли бўлишингиз учун ҳаётларингизга доимий асос яратишни уйлаяпмиз”.

Шу йил 9 август куни эса Президентимизнинг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тўбдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга қўра, етим, ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мукаммал институционал, ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Бу болалар учун қонунда белгиланган барча им-



тиёзларни жорий этиш, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши ҳамда ижтимоий мослашувини таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиш, уларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш чоралари белгиланди.

Оила қадриятларининг тикланиши ва қариндошлик муносабатлари болаларнинг ҳар жиҳатдан тарбия топишига хизмат қилади. Болалар шаҳарчаси, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оилалар қарамоғига беришдан асосий мақсад, эзгу гоҳ ҳам уларнинг ота-она меҳрини ҳис этиши, кўни-қўшни, қариндош-уруғчилик муносабатларини англаб уलगйиши, бир сўз билан айтганда, бағри бутун бўлиб қамолга етишига ҳисса қўиши, ҳаётда ўз ўрнларини топишига кўмаклашидир. Зеро, ҳаёт йўлида адашмаслик, жамиятга керакли бўлиб етишишда инсонга суянчлик бўладиган омилларнинг аҳамияти катта. Ана шу суянч ва таянччи инсон оиладан топади.



КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ

Нодира УМАРОВА,
Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат”
мономаркази директори, Халқ
депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши
депутати

Мамлакатимизда ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий аҳолини яхшилаш, уларни тадбиркорликка йўналтириш, талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, бизнесини йўлга қўйиши учун молиявий қўллаб-қувватлашга муҳим вазифа сифатида эътибор қаратиб келинмоқда.



ҲУДУДЛАРДАГИ МОНОМАРКАЗЛАР

меҳнат бозори талабига мос,
замонавий мутахассислар тайёрлайдиган
касб-ҳунар масканларидир

Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан мутасаддиларга қўллаб-қувватлашга қўрсатмалар берилмоқда, мамлакатимиз миқёсида тизимли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидида юртимизнинг 15 ҳудудда фаолият кўрсатаётган “Ишга марҳамат” мономарказлари ижтимоий лойиҳа сифатида ишсизлик муаммосини камайтиришга ҳисса қўшмоқда.

Мазкур мономарказлар ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида аҳолига бир қанча хизмат турларини қўрсатяпти. Қисқа муддатли, талаб юқори бўлган касб-ҳунар, хорижий тиллар, рақамли технологиялар, тадбиркорлик ва молиявий саводхонлик курслари шулар жумласидан. Шунингдек, касбий фаолиятни амалга ошириш учун талаб қилинадиган маҳорат, шахсий ва касбий билим ва кўникмаларни баҳолаш, хорижда вақтинча ишламоқчи бўлган фуқароларни касб-ҳунар ва хорижий тиллар бўйича ўқитиш, улар билан олдиндан мослаштириш чора-тадбирларини ўтказиш, хорижда ишлаш учун талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиляпти.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, мономарказларда қўрсатилаётган хизматлар тури нафақат аҳолининг ижтимоий аҳолини яхшилаш, балки ўзига ва эртанги кунга ишончини оширишга ҳам кўмак бермоқда.

Жамиятда муносиб ўрин топиши учун ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш мамлакатимиздаги ислохотлар изчиллигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Чунки бусиз аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мустақамлаш мушкул. Дунёга ҳавф солган пандемия шароитида ижтимоий ҳимоя қўрсаткичи сезиларли даражада пастлаганига гувоҳ бўлдик. Бу мураккаб даврдаги энг асосий масала аҳолининг эҳтиёж-манд қатламини қўллаб-қувватлаш, даромад билан таъминлаш бўлди. Ҳозир юртимизнинг барча гушларига “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар” каби тушунчалар кириб борди. Бу дафтарларни шакллантиришдан мақсад ҳам рўйхатга олинганларни талаб юқори бўлган касб-

лар ва тадбиркорликка ўқитиш, шу асосда ўз бизнесини йўлга қўйишга кўмаклашишга қаратилган. Нафақат аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш, балки уларга психологик, тиббий, ҳуқуқий ва қўллаб-қувватлашга амалий ёрдам қўрсатиш масаласи ҳам турибди.

Худди шу мақсадлар муштараклигида ҳозир мономарказларда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар бандлигини таъминлаш учун тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”га киритилган, рўйхатда турмаган, аммо банд бўлмаган аҳоли вакиллари ҳудудий мономарказларда ўқиб, давлат намунасидаги сертификат асосида турли соҳаларда фаолият юритмоқда.

Келгусида мономарказлар билан олис ҳудудлардаги нодавлат таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, чекка қишлоқлардаги аҳолини ҳам қамраб олиш, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, имконияти чекланган фуқароларни имкониятидан келиб чиққан ҳолда, талаб-ғир соҳалар бўйича ўқитиш, мактаб йувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш борасида тизимли ишлар бажарилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, махсус дафтарларга киритилган фуқароларни қамбағалликдан чиқариш, оилаларда барқарор даромад манбаини яратиш бугун кечиктирилмайдиган, ортқича кўзбўямачилик ҳамда қарсакбозлик билан беритиб бўлмайдиган вазифадир. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Энг оғир, мураккаб масалаларимиз аёллар бўйича. Халқимизнинг талаби ўсиб борапти. Биз шу талабларга муносиб шароит яратиб беришимиз керак”.

Дарҳақиқат, халқ талабининг мураккаблиги ҳамда ўзгариб бориши ҳақида гап кетганда, мономарказлар хизматининг изчиллигини таъкидлаш жоиз. Чунки ўзгараётган дунёқараш, ортиб бораётган талабчанлик, ривожланаётган меҳнат бозори ва замонавий касбларга эҳтиёж таъсирида мономарказларда ҳам замонавий касб-ҳунарга ўқитиш жараёни такомиллаштирилади.

БУГУНГИНИНГ ГАПИ

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ОММАЛАШТИРИШДА ЯНГИЧА ТАШАББУС



Шу йил 19 май куни Президентимизнинг юртимизда чет тилларни, жумладан, инглиз тилини ўқитиш сифати ва қамровини оширишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ташкил этилди. Агентлик фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлмаган эса-да, хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича самарали ва режали ишлар бажарилмоқда.

лат секторида хорижий тилларни билувчи ходимлар учун қатор имтиёзлар жорий этилмоқда. Шу сабабли давлат хизматчиларининг хорижий тил бўйича кўникмаларини ривожлантириш қўллаб-қувватланмоқда ва иш жойларида ҳафтада камда бир кун давлат томонидан молиялаштирилмаган тил ўрганиш машғулоти ташкил этилмоқда.

— Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги 2021 йил сентябрь ойда Cambridge Assessment ташкилоти билан инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш, баҳолаш ва ўқув материаллари бўйича ҳамкорлик меморандуми имзолади, — дейди Агентлик директори ўринбосари Азимжон Хусанов. — Бугунга



қадар Ўзбекистонда инглиз тилини билиш даражасини кўрсатиш учун тасдиқланган тестлардан бири — Linguaskill ни етказиб бериш бўйича келишув устида биргаликда ишламоқдамиз. Мамлакатимиз бўйлаб халқаро тан олинган сертификат тақдим этувчи ва натижалари қисқа муддатда эълон қилинувчи Linguaskill тести ва ўқув ресурсларини етказиб бериш бўйича ишлар бажарилмоқда. Ушбу сертификат ўқитувчиларга ойлик маошига устама олиш, малака ошириш курсларидан озод бўлиш каби қўллаб-қувватлаш имкониятларини тақдим этади.

Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ҳамда Cambridge ҳамкорлигида Linguaskill тестлари Ўзбекистонда биринчи марта қўлланмоқда. Келгусида мамлакатимиз бўйлаб миллионлаб ўқувчини қамраб олиш режалаштирилган. Linguaskill Cambridge Assessment English тасарруфидидаги тест бўлиб, у онлайн ўтказилади ва гапириш, ёзиш, ўқиш ва тинглаш кўникмаларини қамраб олади. У тил билиш қобилиятини тавсифлашнинг халқаро стандарти бўлган Common European Reference Framework (CEFR) натижаларни текшириш, шунингдек, қисқа вақт

ва ресурслар билан осон тайёрланишга шароит яратади.

Инглиз тили таълимининг
ривожлантириш бўйича
ҳамкорлиқнинг аҳамияти

— Чет тилларни ўрганишни оммалаштириш юзасидан ҳамкорлик қўллаб-қувватлашнинг инглиз тилини пухта ва сифатли ўзлаштиришга ёрдам беради, — дейди Азимжон Хусанов. — Мисол учун, шу йилгача маҳаллий муаллифлар ёзган китобларга интерактив материаллар ва қўшимча манбалар илова қилинмаган. Келгуси ўқув иилидан бошлаб Cambridge нарийитининг “Guess What” ва “Prepare” китоблари юртимиздаги барча мактабларнинг ўқув дастурига киритилади. Ҳозиргача мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида кириш имтиҳонларида инглиз тилидан фақат грамматика асосидаги тестлардан фойдаланяпмиз. Ваҳоланки, бу халқаро стандартларга мос эмас. Ҳўш, унда нега инглиз тилини ўрганиш учун мавжуд ресурслар ва эскича ёндашувдаги тестлардан фойдаланишни давом эттиришимиз керак? Шунинг учун ҳам Cambridge билан ҳамкорлик орқали Linguaskill тестини жорий қилмоқдамиз. Агентлик Linguaskill ни мамлакатимиз бўйлаб оммалаштиришни маъқул деб топгани сабаби — у академик даражада талаб қилинадиган эмас, балки умумий, қундалик фаолият учун зарур бўлган инглиз тили кўникмаларини синнаша мўлжалланган. Ушбу тестнинг тузилиши ва тайёрланиши синчловчи билан ўрганиб чиқдик. Энди мамлакатимиз бўйлаб ишонч билан оммалаштиришимиз мумкин. Қизиқарлилиги тестнинг осон эканидан

далолат берайди. Ундан иккинчидан бемалол фойдаланиш мумкин. Чунки тест саволлари ўзлаштирилган билимларга асосланади. Биз дастлаб Linguaskill тизимига интернет орқали улашни қийин кечишидан хавотирда эдик. Бироқ буни турли ҳудудларда сынаб кўргач, интернет тезлиги етарли даражада эканига ишонч ҳосил қилдик.

Навбатдаги устувор
йўналишлар

Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги БМТдаги барча расмий тилларни тарғиб қилиш ҳаракатида. Шунингдек, мамлакатимиз чет тилларни тарғиб қилиш мақсадида CELTA, DELTA ва ТКТ малака тестлари тан олиниши ва оммалаштирилиши ташаббускори бўлди. Тил ўрганиш учун таълимнинг барча босқичида илгор ўқув дастурлар қўллангани рағбатлантирилади. Бунинг намунаси сифатида 207 та ихтисослаштирилган мактабда тил ўрганиш лабораториялари ташкил этилмоқда. Ушбу лабораториялар кенг қатламнинг тил ўрганишга муносабатини ўзгартиришга ёрдам беради.

Лойиҳадан мақсад факат ўқитувчиға йўналтирилган дарс ўтиш услубидан узоқлашган ҳолда барча мактабларда инновацион гоғарини кенг тарғиб этиш ва қўллашдан иборат. Хусусан, юртимизнинг олис ҳудудларида малакали хорижий тил ўқитувчилари камлигини инобатга олган ҳолда, маърузага асосланган дарс ўтиш тизимидан кўра, кўникмаларини ривожлантиришга асосланган ёндашушни тарғиб этиш жуда муҳим.

Р. МАДИЕВА



www.yuz.uz



yuz.uznews

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Туни билан кўксидаги оғриқдан ухломмаган Абдусалимнинг тонгга яқин энди кўзи илинган ҳам эдики, кўча тарафдан эшитилган оёқ товушларидан уйқуси қочди. Бир амаллаб ўрнидан турди. Деразани очиб, кўчага қаради. Сахар, ғира-ширада бошида дўппи, устида спорт кийими, оппоқ соқолли Абдурашид бобо ортидан бир гуруҳ ёшларни эргаштирганча югуриб кетяпти. Улар ортидан термулганча деразага суюнган Абдусалим ўйга толди: “Абдурашид бобо, адашмасам, яқинда саксон беш ёшга кирди-ёв?! Югуришини қаранг. Ёшларни ортда қолдиради-я. Мен эндигина қирққа бўйладим. Халитдан ўрнимдан туролмай қоляппман, бу ҳолатда элликка етмай қариб қоламан чоғи”...



БУ ЭЛНИНГ ҲАР ЎҒЛОНИ — ПОЛВОН

Бу пайтда Абдурашид полвон шоғирдлари билан етти километр масофани босиб ўтиб қўйганди. Улар тўри спорт залига кириб кетди. Бу ерда тонгги кураш машғулоти бошланади. Спорт зали деганимиз асида бир пайтлар эски клуб бўлган. Абдурашид Мирзаевнинг спортга бўлган меҳри, жонқурлиги сабаб бу жой бузилмай, яхшигина кураш майдониغا айланган.

Бир неча йил аввал эски кўхалқидан қолган клуб эгасиз ва қаровсиз аҳволга келгач, бир пулдор бинони буздириб ташламоқчи бўлган. Тортиша-тортиша клубга эгаллик ҳуқуқини қўлга киритган полвон бир кун ҳам ўз манфаати учун фойдаланмади. Аксинча, ўз ҳисобидан эски жойни таъмирлаб, уёқ-бўёғини тартибга солди, шинамгина кураш залига айлантирди. Полвоннинг бу ҳаракатига кимдир қулди, кимдир раҳмат айтди. Кўпчилик бу жойга каттагина пул ҳам ваъда қилиб кўрди. Лекин пулдан кўра курашни яхши кўрувчи полвондан жўяли жавоб бўлмади. Энгина кураш яктагини илганча, майдонга мураббий сифатида кириб келди. Аввал зал тагига сомон тўшаб, устига эски гилам ёпиб, икки-уч нафар жияни, ўғил-қизи билан машғулотлар бошлади.

Кураш залининг эшиги тирқишдан қизиксиниб, пойлаб юрган маҳалла болалари аста-секин ичкарига кириб келди. Машғулотларда тобланиб, уларнинг ўзига ишончи орта боргани сари саф кенгайиб, кураш билан шуғулланишга иштиёқмандлар кўпайди. Кураш залию имкониятлар эшиги очилганидан мамнун қишлоқ ёшлари машғулотларга шўнғиб кетди. Фидойи полвоннинг меҳри товланиб, жўшиб ишга киришди. Кунда-кунора залга қатнай бошлаган болакайларнинг аввал юришида, туришида ўзгариш бўлди. Кўча-кўйда, уйда, мактабда каломи салом бўлди.

Қишлоқ боласини қишлоқда аввал тўй кураши тоблайди. Яқин-атрофдаги тўй курашларига шоғирдларини етаклаб борган илк кунда Абдурашид полвоннинг қувончи чексиз эди. Ёмғирдан сўнг чиққан кўзиқоринлар сингари давранинг ҳар тарафидан полвоннинг шоғирдлари ғолибликни қўлга киритгани овоза бўлди. Ҳар томондан олқишлар ёғилди. Шу кун курашга тушган шоғирдларини писанд қилмаган тенгдошлари ҳам энди уларнинг исмларига полвон сўзини қўшиб айтишни бошлади.

Ҳаммаси эртаси кун бошланди. Полвон эшик олдида тўпланган болаларни таниёлмай боши қотди. Бу кечаги тўйдаги курашнинг меваси эди.

Бугун оппоқ соқолли, акробатик ҳаракатлари билан барчани ҳайратга солиб келаётган чироқчилик Абдурашид Мирзаев қардим демайди. Эски клубга ҳам анча чирой кирган, янги кураш

гиламлари тўшалиб, бинойидек бўлган. Ўша тагида сомон тўшалган эски гилам устида шуғулланишни бошлаган ёш ўғил-қизлар бугун замон талабларига мос татамида нафақат мамлакат, балки халқаро майдонда курашга тўшмоқда, Осиё чемпионатларида қатнашгани юлдуз санашга мажбур этмоқда. Гўзал Раҳмонова, Олия Ҳамидова, Муҳайё Аҳмадованинг довуғи юртга маълум бўлди.

Ҳеч бир манфаатсиз, фидойилик ортидан эргашиб, олгани олқиш, бергани маслаҳат бўлиб юрган полвон бобонинг меҳнати, чеккан заҳматлари ҳукумат даражасида эътироф этилди.

2019 йили истиқлол байрами арафаси эди. Кун асрдан оққан пайти кураш залида терга ботганча янги келган курашчи болага яқакдан ушлашни тушунтираётган вақти Абдурашид полвоннинг телефони жиринглади. Машғулот пайти бутун эътиборини бо-

Президентимизнинг шахсан ўзидан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвонини қабул қилиб оларкан, полвон бобонинг кўзларида ёш қалқди. Умри давомида қилган меҳнатлари, шоғирдларига берган сабоқлари самараси сифатида юксак унвонга сазовор бўлганига ўзида йўқ шод эди. Шу ерда икки оғиз сўзга чиққан полвоннинг кичик жуссаси тоғ қадар юксалди. Давлатимиз раҳбарига раҳмат айтarkan, бу юртда яхшилик сари ташланган ҳар бир қадам бир кун барибир ўз мевасини беражақлигини англади.

Дарвоқе, ҳар тонг югуришни қанда қилмаган Абдурашид бобонинг бу яхши одати нафақат шоғирдларига, балки “Хумо” маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги ёшу қарига одатга айланган.

Энди туни билан кўксидаги оғриқдан ухломмаган Абдусалимга қайтсак. Полвон бобонинг ортидан эргашган Аб-



“

Энди туни билан кўксидаги оғриқдан ухломмаган Абдусалимга қайтсак. Полвон бобонинг ортидан эргашган Абдусалим касалликларини енгиб, спортчилар сафига қўшилди. Агар бирор тенгдоши ёки ҳамкасбининг оғриқдан шикоятини эшитса, дарров спорт билан шуғулланишни тавсия қилади. Зеро, спорт – саломатлик гарови.

лаларга қаратган полвон дастлаб телефонга қарамади. Такрор-такрор кўнғирок бўлавергач, телефонни кўтарган полвоннинг қувончи чексиз бўлди. Жойида сакраганча, залда акробатика ўйинларга берилиб кетди. Дуч келган шоғирдини кучоқлаб, даст кўтариб қўярди. Хушхабардан беҳабар ёш полвонлар устозини олқишлайверди.

дусалим касалликларини енгиб, спортчилар сафига қўшилди. Агар бирор тенгдоши ёки ҳамкасбининг оғриқдан шикоятини эшитса, дарров спорт билан шуғулланишни тавсия қилади. Зеро, спорт – саломатлик гарови.

Акбар РАҲМОНОВ,
журналист



yuz_official



yuz.uz_news

ЖИЗЗАХНИНГ СПОРТЧИ СУЛОЛАЛАРИ



Жиззахда нафақат мамлакат, балки халқаро миқёсдаги мусобақаларни ҳам қабул қилиш имкониятига эга бўлган ҳашаматли спорт саройлари, стадионлар етарли. Шу билан бирга, ҳар бир маҳалла, таълим маскани ва меҳнат жамоаларида ҳам жисмоний тарбия билан шуғулланиш имконини берувчи катта-кичик ўйингоҳлар, спорт майдонлари мавжуд. Амалга ошаётган бу каби сазй-ҳаракатлар ўзининг самарасини беряпти. Жўмладан, бугун вилоятдаги 1,5 миллионга яқин аҳолининг салкам 30 фоизи оммавий спортга жалб қилинган.

Сўнгги бир ярим йил ичида 2 минг 200 дан ортиқ жиззахлик спортчи жаҳон, қитъа ва мамлакат миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиб, 78 та

Сардор Қувайтда ўтказаетир. Жиззахлик мухлислар ушбу футболчилар билан фахрланади. Воҳада “Ўғлим, неварам уларга ўхшасин”, деган яхши ниятда фарзандини стадионга етаклаб келаётганлар жуда кўп.

— Рашидовлар оддий оила фарзандлари, — дейди ака-укаларнинг

Сабоҳат Хусанова, Мадина Норматова ҳамда Робия Бахтиёрова ўсмир қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритгани бунинг тасдиғи.

— Лазизбекнинг энг катта умиди ўз фарзандлари билан боғлиқ, — дейди болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Жалолиддин Уктамов. — Зеро, бугун 18 ёшни қаршилаган Жаҳонгир ҳам, 17 ёшга тўлган Азиза ҳам бир неча марта мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этди. Улар ўзларининг энг сўнгги ютуғини шу йилнинг август ойида қўлга киритди. Ака-сингил Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳри мезбонлик қилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг олтин медалларига сазовор бўлди.

Дарҳақиқат, Зокировлар сулоласи кенжа вакилларининг турли нуфузли маҳаллий ва халқаро мусобақаларда жамғарган медалларига кўз ташлашнинг ўзи ҳар қандай бокс мутахассиси ёки мухлисларининг ҳавасини келтиради. Жаҳонгирда мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпионатлари олтин медалларининг ўзи бешта. Азизада эса 4 тани ташкил қилмоқда. Шунинг ўзи ҳам боксчилар хонадонининг ёшлари салоҳияти қандайлигини белгилловчи энг ишончли ўлчов бўла олади.

— Дадамнинг боксчи сифатида рингга тушганини кўрмаганман, — дейди Жаҳонгир. — Унинг чиқишларига гувоҳ бўлганлар эса: “Сен ҳар томонлама отанга ўхшайсан, демак, унинг натижаларини такрорлаш имкониятинг бор”, дейишди. Насиб қилса, уларнинг ишончини ортиғи билан урдалашга ҳаракат қиламан.

Азизани рингга дадасидан олдин аяси етаклаб келган. Чунки Л.Зокировнинг турмуш ўртоғи Севара ҳам спортчи. У мактабда ўқувчиларга бадий гимнастика сирларини ўргатади. “Қизимнинг гимнастикадан кўра боксга кўпроқ қизиқиши борлигини дарров ҳис қилдим. Азиза ҳам шу йўлдан кетмоқда.

— Хуллас, фарзандларимнинг иккови ҳам боксчи танлади, — дея қўшимча қилади Л.Зокиров. — Улар ёнимга бир вақтда қўшилди. Ушанда ака-сингил 8 ва 9 ёшда эди. Мен болаларимнинг бу йўлни танлаб хато қилмаганига аминман. Мана, бугун ҳар иккаласи турли ёшдаги Ўзбекистон терма жамоаларининг аъзолари. Бу ўрин айнан ўзларига тегишли эканини анча-мунча мусобақаларда исботлаб бўлди. Мен нафақат ота, балки шу соҳада суяғи қотган мураббий сифатида ҳам ўғлим ва қизимнинг баланд чўққиларини забт этишига ишонаман...

Азиза яқинда Хоразмда ўтган Ўзбекистон кубоги мусобақасида муваффақиятли иштирок этиб, ғолиб бўлди. Жаҳонгир эса кунни кеча 18 ёшда Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. Унинг мақсади келгуси йилнинг февралда пойтахтимиз Тошкент мезбонлик қиладиган Осиё чемпионатида ҳам ғолибликка эришиш. Келгуси нуфузли турнирларда ҳам боксчи Зокировлар сулоласи вакилларининг шоҳсупаларга кўтарилишига, совринлари шодасига эса олтин медаллар қўшилишига ишончимиз қомил.

Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

олтин, 63 та кумуш ва 101 та бронза медалларни қўлга киритди.

Вилоятнинг 7 нафар вакили шу йил Токиода бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этди. Шоҳсанам Тошпўлатова Паралимпия ўйинларида бронза медаль билан тақдирланди. Ёқутхон Холбекова ҳам қишқи, ҳам ёзги паралимпия ўйинларида иштирок этган Ўзбекистоннинг биринчи спортчиси бўлиб тарихга кирди.

Кези келганда яна шунини таъкидлаш керакки, спортнинг оммавийлиги ошиши, соғлом турмуш тарзи танланишида маълум бир ҳудуд ахлига бевосита таъин бўлган, оддий одамларнинг ёнида яшаётган спортчилар, улар эришаётган натижаларнинг ижобий таъсири кучли бўлади. Ҳавас қилишга арзирли ютуқларни қўлга киритаётган спортчи оилалар намунаси алоҳида ўрин тутди.

Узоққа бормайлик, футболдаги фаолиятини “Сўғдиёна”да бошлаган ака-ука Дибр ва Даврон Файзиевларни эсга олиш қийин. Айниқса, кичик Файзиевнинг эришган натижалар салмоқли. У ўз даврида футболмисининг энг кучли ҳимоячиларидан бири сифатида муллий терма жамоа сафида ҳам муваффақиятли тўп сурди. Ушбу сулоланинг яна бир вакили Элёр Орипов эса қатор йиллардан буюн “Сўғдиёна” сафида тўп суриб келмоқда.

Ва албатта, бу борада Рашидовлар ҳақида ҳам сўз юритиш ўринли бўлади. Сардор, Санжар ва Саҳоб Рашидовларнинг ўзбек футболда ўзларига яраша ёрқин из қолдираётгани шубҳасиз. Жорий йилги футбол мавсумини Саҳоб Жиззахда, Санжар Тошкентда,

илк мураббийси Усмон Муҳамедшин. — Улар, халқона айтганда, “қора меҳнат”дан қочмасди. Машғулотлар тугатгандан кейин ҳам майдонни тарк этишлари қийин бўларди. Бугун нимага эришган ва эришаётган бўлса, ҳаммаси ана шу тиришқоқликлари ортидан, деб ўйлайман.

Ўзбек бокс мутахассислари ва мухлислари жиззахлик Лазизбек Зокировни яхши эсашади. Бу инсон ўтган асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмида эришган йирик ғалабалари билан ўз номини ўзбек бокс тарихига ёзишга мушарраф бўлган. Тўрт марта Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган. 1997 йилда нуфузли халқаро турнир — Таиланд қироли кубогида олтин медаль, орадан бир йил ўтиб, яна шу мамлакат пойтахтида ўтган Осиё ўйинларида бронза медаль эгасига айланган. 1998 йилда Хитойда мезбонлар вакилини мағлуб этиб, жаҳон кубогини ўзиники қилган.

— Бокс борасида мамлакатимизнинг ўзида ҳам, хорижда ҳам бир қатор ютуқларга, эътироф этишга арзийдиган натижаларга эришдим, — дейди Лазизбек Зокиров. — Барибир ушалмаган орзуларим, армонларим бор. Жаҳон чемпионати, Олимпиада ўйинларида совринли ўринлар насиб қилмади.

Лазизбек Зокиров бугунги кунда Жиззах вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида бокс мураббийи сифатида фаолият юритмоқда. У ўзининг армонларини шоғирдлари қўли билан амалга оширишга бел болаган. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу зғу ниятлар бирин-кетин амалга ошмоқда. Лазизбекнинг бирданга уч шоғирди —

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январдан 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4136
75974 нусхада босилди.

Ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов
Мусаххих: Асолат Аҳмадуллоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:40 Топширилди — 00:25

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташқилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли chop этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz